

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ–АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

РАХМОНОВА ГУЛБАҲОР ЭРГАШОВНА

**ПАНКРЕАТОДУОДЕНАЛ СОҲА ЎСМА КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ
ДИАГНОСТИКАСИДА НУР ТАШҲИСИ УСУЛЛАРИНИНГ
АҲАМИЯТИ**

14.00.19 – Клиник радиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ –2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рахмонова Гулбахор Эргашовна

Панкреатодуденал соха ўсма касалликларининг
диагностикасида нур ташҳиси усулларининг ахамияти..... 3

Рахмонова Гулбахор Эргашовна

Роль лучевых методов исследования в диагностике
опухолей панкреатодуоденальной зоны..... 27

Rakhmonova Gulbahor Ergashovna

Role of radiologic methods for the diagnosis
of pancreatoduodenal zone tumors..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 54

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ–АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

РАХМОНОВА ГУЛБАҲОР ЭРГАШОВНА

**ПАНКРЕАТОДУОДЕНАЛ СОҲА ЎСМА КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ
ДИАГНОСТИКАСИДА НУР ТАШҲИСИ УСУЛЛАРИНИНГ
АҲАМИЯТИ**

14.00.19 – Клиник радиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ –2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Tib212 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.cancercenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ходжибеков Марат Худойкулович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юсупалиева Гулнора Акмаловна
тиббиёт фанлари доктори

Баймаков Сайфиддин Рисбаевич
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96.)

Диссертация автореферати 2020 йил «____» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Н. Тилляшайхов

Илмий даражалар берувчи Бир марталик Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А. Адилходжаев

Илмий даражалар берувчи Бир марталик Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Н. Абдихакимов

Илмий даражалар берувчи Бир марталик Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори диссертациясининг аннотацияси (PhD))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда панкреатодуоденал соханинг 90%га яқин хавфли ўсмаларини нохуш башорат билан қийин даволанадиган касаллик бўлиб, ҳисобланган меъда ости беши бош қисмининг хавфли ўсмалари ташкил этади. Хавфли ўсмаларни ўрганиш бўйича Халқаро агентлик (International Agency for Research on Cancer, IARC) ҳамда жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра «...панкреатодуоденал соха ўсма касалликлари (ПСЎК) онкологик касалликлар орасида ўн биринчи ўринни ва ўлим кўрсаткичлари бўйича эса еттинчи ўринни эгаллаши қайд қилинган...»¹. ПСЎК билан касалланган беморларнинг беш йиллик яшаш давомийлиги умуман 5%дан кам, ушбу касалликдан вафот этганлар сони эса фақат касалланганлар сонидан сезиларсиз даражада пастдир. ПСЎКда башоратнинг салбий натижаларини асосий сабабларидан бири, уни эрта ташхислашни қийинлиги бўлиб ҳисобланади, чунки ушбу касалликнинг эрта босқичлари белгиларсиз кечиши ёки номахсус белгилар билан намоён бўлиши мумкин. Хавфли ўсмани муваффақиятли резекция қилиш имконияти бўлган бошланғич, локал босқичларида аниқлаш, фақат 10-20%ни ташкил этади. Шу билан бирга сўнгги йилларда ПСЎК ни даволаш натижаларини яхшиланишини сезиларсиз тенденцияси қайд этилмоқда. Демак, АҚШ хавфли ўсмалар миллий институти берган маълумотларга кўра «...2014 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда ПСЎК билан хасталанган беморларни беш йиллик яшовчанлик кўрсаткичи умуман олганда 6-9% гача ўсди, касалликнинг I-II локал босқичи ташхисланган беморларда бу кўрсаткич 32%ни, III босқичида 12% ни ва IV босқичида 3% ни ташкил этди...»². Бунга маълум даражада хавфли ўсмани ташхислашни такомиллаштириш, жумладан текширишда нур ташхиси усуллари қўлланилиши орқали эришилди. Сўнгги йилларда замонавий онкология клиникасида трансабдоминал ва эндоскопик ультратовуш текшируви, мультиспирал компьютер томографияси, магнит резонанс томографияси, позитрон-эмиссион томографияси ва бошқа самарали усуллар пайдо бўлган бўлиб, уларга ҳозирги кунда ПСЎКни аниқлаш ва ривожланиш босқичини тасдиқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда панкреатодуоденал соха ўсма касалликларининг ташхислашда нур ташхиси усуллари такомиллаштиришга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада трансабдоминал ультратовуш текшируви ва эндоскопик ультратовуш текшируви, мультиспирал компьютер томографияси, магнит резонанс томографияси, позитрон-эмиссион томографияси маълумотлари бўйича ПДС хавфли ўсмани белгиларини ўрганиш ва ПСЎК аниқлаш ва дифференциация қилишда ташхислаш

¹ International Agency for Research on Cancer (IARC); ЖССТ, 2018

² Bray F., Ferlay J., Soerjomataram I., Siegel R.L., Jemal A. Global cancer statistics 2018: Global scan estimates of incidence and mortality worldwide for 36 cancers in 185 countries. CA Cancer J.Clin.2018; 68 (6): 394-424

аниқлигини баҳолаш; панкреатодуоденал соҳа ҳосилаларини босқичлаштиришда МСКТ, МРТ ва ПЭТ усуллари самарадорлигини қиёсий таҳлилини ўтказишдан иборат. Панкреатодуоденал соҳа ҳавфли ўсмасини ташхислаш ва даволашни назорат қилишда текширишни нурли усулларини қўллаш алгоритминини ишлаб чиқиш, касалликни қиёсий баҳолаш ҳамда панкреатодуоденал соҳа ҳавфли ўсма касалликларни самарали ва эрта ташхислаш ҳамда башоратлаш тартибинини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида ҳавфли ўсма касалликлар тарқалишинини камайтириш ва олдини олишга қаратилган қатор вазифалар юклатилган «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматинини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзинини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»³ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аҳолининг турли қатламлари орасида онкологик касалликларинини камайтириш, аҳоли орасида профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касаллик ривожланишининг хавф омилларининг асоратлари натижасида юзга келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичинини камайтириш имконинини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимининг тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматининг янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий визуализацияни ҳаммабоплигини кенгайтирилиши касалликни эрта босқичларида меъда ости

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимининг тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

бези саратонини ташхислашни яхшилайти. Vincent A., ва ҳаммуал. (2011), De La Cruz M.S. ва ҳаммуал.(2014), Rawla P., ва ҳаммуал. (2019) томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида, меъда ости бези хавфли ўсмасини ташхислашнинг умумий мажмуасида визуализациянинг юқори технологик усулларининг қўлланилиши, ПСЎК касаллигини олиб ташлаш мумкин бўлган, локал босқичларида баҳолаш даражасини сезиларли ошишига имкон беради. Шу билан боғлиқ равишда, ПСЎК юқори хавфи бўлган-панкреатитга мойиллик, оилавий анамнезида ПСЎК бўлган шахсларда скрининг ўтказиш давомида КТ ва эндо УТТ каби визуализация усулларини қўллаш таклиф этилади. Аммо бажарилиши қийин бўлган ва ҳар доим ҳам, ҳамма жойда ҳам амалга ошириш мумкин бўлмаган бундай скрининг натижалари ноаниқлигича қолмоқда (Pic M. et al., 2016; Verna E.C., 2010). ПДС хавфли ўсмасига ташхис қўйишда (трансабдоминал ультрасонография, компьютер томография, магнитно-резонанс томография, ангиография) замонавий усулларни қўлланмасдан амалга ошириш имконсиздир. Биринчи клиник белгилар кўпинча хавфли ўсма жараёнлари анча ривожланиб бўлган ҳолатларда, етарли даражада кеч юзага келади. Айтиб ўтилган визуализация усулларини пункцион биопсия усули билан бирга қўллаш 80-90% ҳолатларда меъда ости бези хавфли ўсмасини тўғри ташхислаш ва босқичлаштиришга имкон беради. Мультимодал визуализацияни ультрасонография, компьютер томографияси, МСКТ-ангиография, магнит-резонанс томография, холангиопанкреатография каби замонавий технологиялар билан бирга қўллашга қарамасдан, ПДС хавфли ўсмасини аниқ ва ўз вақтида ташхислаш замонавий нурли ташхислашнинг энг мураккаб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади (Кармазановский Г.Г., 2016; Кашенко В. А. ва ҳаммуал., 2016; Скульский С.К. ва ҳаммуал., 2015; Postema M, Gilja O.H., 2011; De La Cruz M.S., Young A.P.; George Y., 2020; Hanada K et al. 2019). Бугунги кунда замонавий жиҳозланган тиббиёт муассасаларида ПСЎКни аниқлаш ва ўсма босқичини аниқлаштиришдаги энг яхши стандарт бўлиб, уч фазали контрастни КТ-ангиография билан бирга қўллашни кўзда тутувчи баённома бўйича МСКТ ҳисобланади (Кармазановский Г.Н., 2016; Raman S.P. et al 2012). МСКТ ва МРТни бажаришда ПСЎКни ташхислаш ва хирургик амалиётлар орқали олиб ташлаш аниқлиги сезиларли ортади. С.Коелблнгер ва ҳаммуаллифлар берган маълумотларга кўра (2011), ПСЎКнинг эрта аниқлашда МСКТ ва МРТнинг бирга қўллаш усул сезувчанлиги ва аниқлиги мос равишда 95-96%гача ортади. Шу билан бир вақтда, F.M.Chen ҳаммуал. (2016), визуализациянинг ҳар икки усулини ўзаро қиёслаб аниқладиларки, МСКТ ва МРТ усуллари хавфли ўсмани аниқлашда, ўсманинг томир деворига инвазиясини аниқлашда, лимфа тугунларида метастатик шикастланишларнинг мавжудлигини ва хавфли ўсмани резектабеллигини баҳолашда диагностик аниқлик жиҳатидан деярли бир хил аҳамиятга эга бўлади. Шулар асосида муаллифларнинг фикрича, ПСЎКни жаррохлик амалиётидан олдин баҳолаш учун нурли текшириш модаллигини танлаб олишда, ушбу жиҳозларда ишловчи мутахассисларнинг касбий малакаси ва

тажрибаси, мос бўлган тиббиёт диагностика жиҳозларининг мавжудлигидан келиб чиқиш лозим.

Ўзбекистонда турли касалликларни нур ташхислаш, шунингдек, панкреатодуденал соха ўсма касалликларини жаррохлик усулида даволаш ва такомиллаштириш борасида қатор илмий ишлар бажарилган (Ш.И.Каримов, 2015; Ф.Г.Назиров, 2018) бироқ, панкреатодуденал соха ўсма касалликларининг ташхислашда нур ташхиси усулларини аҳамиятини баҳолашга қаратилган ишлар бажарилмаган.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда ПСЎКни ташхислаш, даволаш ва мониторингини ўтказишдаги муваффақиятларга мультимодал текширишлардаги имкониятлар туфайли эришилди, чунки визуализациянинг ҳар бир усули афзалликлари билан бир қаторда маълум даражадаги камчиликларга ҳам эга, шунинг учун улар бир бирини яхши тўлдиради. Мультимодал нурли ташхислашнинг аспектиларини ўрганиш ханузгача давом этмоқда, ПЭТ/КТ ва ПЭТ/МРТ каби визуализациянинг янги гибрид усуллари билан тўлдирилмоқда, уларни кенг қўллаш билан унча узоқ бўлмаган келажакда ПСЎКни даволаш ва текшириш натижаларини яхшилаш аниқланмоқда. Илмий изланишнинг устувор йўналиши бўлиб нур ташхиси комплексини такомиллаштириш бўлиб ҳисобланади, у ПДС хавфли ўсмасини аниқлаш ва тарқалишини баҳолашга ёрдам беради. Мазкур илмий ишнинг контекстида асосий масала бўлиб, визуализациянинг олдинги босқичларини ҳисобга олган ҳолда уни амалга ошириш даражаси бўйича модификацияланувчи, ташхислашнинг эгилувчан алгоритми, яъни таҳлил қилиш билан қўллаш имкониятини берувчи алгоритминини яратиш ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий тадқиқот ишлари режаси 01.1500212 «Инсоннинг жаррохлик касалликларини ташхислаш ва даволашнинг патогенетик асосланган усулларини ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нур ташхиси усуллари комплексини қўллаш орқали панкреатодуоденал соха хавфли ўсма жараёнлари ташхиси натижаларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

трансабдоминал ва эндоскопик УТТ, МСКТ, МРТ, ПЭТ/КТ маълумотлари бўйича ПСЎК хавфли ўсмаларининг белгиларини ўрганиш ва дифференциация қилишда ташхис усулларининг аниқлигини баҳолаш;

панкреатодуоденал соха хосилаларини босқичлаштиришда МСКТ, МРТ ва ПЭТ/КТ усуллари самарадорлигини қиёсий таҳлилинини ўтказиш;

панкреатодуоденал соха хавфли ўсмасини ташхислаш ва даволашни назорат қилишда текширишнинг нур ташхиси усулларини қўллаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида 2013-2019 йиллар давомида Онкология ва радиология Республика илмий–амалий тиббиёт маркази ва 2014-2015 йиллар давомида Жанубий Кореянинг Сеул шаҳридаги Ёнсей Университети қошидаги Северанс касалхонасининг Радиология Илмий Маркази абдоминал радиология бўлимига мурожаат қилган 152 нафар ПСЎК бўлган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида панкреатодуоденал соҳа хавфли ўсмаси билан хасталанган 152 нафар беморларда УТТ, эндо УТТ, МСКТ, МРПХГ, ПЭТ/КТ, ташхисий ангиография, ҳавфли ўсмани тери орқали биопсияси, шунингдек, жаррохлик амалиёти ичи топилмалари ва морфопатологик нурли ташхислашнинг турли усулларини натижаларининг материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, инструментал, морфологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

панкреатодуоденал соҳа хавфли ўсмаларини ташхислашда илк бор ташхислашнинг эндоскопик УТТ, МСКТ ангиография, МРТ холангиография ҳамда ПЭТ/КТни мажмуавий қўллаш тартиби асослаб берилган;

касаллик босқичини аниқлашда визуализация усулларининг самардорлиги патоморфологик хулоса билан қиёсий солиштирилиб олинган натижалар илмий асосланган;

визуализациянинг ўсма резектабеллигини баҳоловчи мезонлари, яъни томир деворига ўсманинг инвазияси даражасини операциягача бўлган текширувларда МСКТ ангиографияси орқали баҳолаш тартиби исботланган;

меъда ости беzi саратонининг хавфлилиқ даражаси–Гни ПЭТ/КТ маълумотлари асосида ноинвазив баҳолаш тартиби исботланган;

меъда ости беzi хавфли ўсмаларини даволаш натижалари ва ўсма рецидивлигини баҳолашда позитрон эмиссион томографиясининг компьютер томографияси билан комбинацияланган усулидаги ташхислаш имкониятлари исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

панкреатодуоденал соҳа хавфли ўсмаларида нурли семиотика аниқлаштирилган;

касалликнинг босқичига боғлиқ холда ташхислашни ҳар бир усулини самардорлиги ва аҳамиятини баҳолаш натижасида панкреатодуоденал соҳа хавфли ўсмаларини эрта ташхислаш яхшиланган;

панкреатодуоденал соҳа хавфли ўсмаларида ташхислашнинг нурли усулларини қўллаш ва тизимлаштиришни оптимал алгоритми ишлаб чиқилган;

ПДС патологияларида ишлаб чиқилган ноинвазив нурли ташхислаш алгоритми инвазив ташхисий текширишларни бажариш учун беморларни селектив танлаб олишга ёрдам берган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган исботланган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг

услубий жихатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, нур ташхислаш тизими, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган рентгенологик, ультратовуш, МРТ, МСКТ ва ПЭТ/КТ усуллар асосида панкреатодуденал соха ўсма касалликларининг диагностикасида нур ташҳиси усулларининг тартибини ишлаб чиқишнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти шундан иборатки, ПСЎКда нурли ташхислашни ўзига хосликларини ўрганишда сезиларли хисса қўшиши мумкин. ПДС нинг ҳавфли ўсма билан шикастланишига шубҳа бўлганда визуализация усулларини қўллаш стратегияси аниқланди. Олинган натижалар талабалар, магистрлар, клиник ординаторлар ва радиология мутахассислиги бўйича курсантларни таълим олиш жараёнида қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ПСЎК бўлган беморларини мониторинги ва ташхислашнинг тақдим этилган алгоритми панкреатодуоденал зона ҳавфли ўсмаларини ташхислаш ва даволаш учун визуализация усулларини қўллашни оптималлаштириш ва оқилона ташкил этишга олиб келади. Олиб борилган тадқиқотлар ПСЎКни ташхислаш, кечишини ўзига хослигини баҳолаш, даволаш ва башоратлаш масалаларини ўрганиш ва хал этишга ўзининг сезиларли хиссасини қўшади. Ўтказилган статистик-математик ҳисоблашлар асосида ПСЎК беморларида ҳавфли ўсма жараёнини тарқалиш механизмларида иштирок этувчи нурли усулларни қўллаш билан ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Панкреатодуденал соха ўсма касалликларининг диагностикасида нур ташҳиси усулларининг аҳамияти баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Pankreatoduodenal soha kasalliklarining nur tashhisi» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 12 декабрдаги № 8н-р/191 маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома нур ташҳиси усуллари ёрдамида панкреатодуоденал соха ҳавфли ўсмаларини ташхислашни самарали йўлга қўйиш ва ҳар бир усулнинг ташхислашдаги аниқлиги баҳолаш имконини берган;

«Жигар ўт йўллари касалликларининг нур ташҳиси» ўқув услубий қўлланма тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 12 декабрдаги № 8н-р/191 маълумотномаси). Мазкур ўқув услубий қўлланма талабаларга дарс жараёнида жигар ва ўт йўллари ҳавфли ўсма касалликлари нур ташҳисини баҳолаш имконини берган;

Панкреатодуденал соха ўсма касалликларининг диагностикасида нур ташҳиси усулларига мультимодал ёндашуви бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳар онкология диспансери торакоабдоминал онкология бўлими ва Тошкент

тиббиёт академияси учинчи клиникаси рентген радиология бўлими амалиётига тадқиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 2 июлдаги № 8н-з/73 маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши нур ташҳиси усулларнинг етарли хажмини танлаб олишни оптималлаштиришга, самарадорликни оширишга ва панкреатодуоденал зона ҳавfli ўсмалари билан хасталанган беморларда асоратларини ва уларни тарқалиш сонини камайтиришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Панкреатодуоденал соҳа ҳавfli ўсмаларининг эпидемиологияси ва ташхислаш бўйича замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида панкреатодуоденал соҳа ҳавfli ўсмаларини ташхислаш бўйича хорижий ва маҳаллий адабиёт манбаларининг материаллари тақдим этилган. Илмий ишда панкреатодуоденал соҳа ҳавfli ўсмаларини эпидемиологияси, этиологияси, нур ташхислаш комплекси, башоратлашдаги нур ташҳиси усулларининг ўрни, шунингдек, ҳавfli ўсмани тарқалганлигига боғлиқ холда резектабеллиги ва қайталаниш муаммолари тўғрисидаги маълумотлари келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот усуллари ва фойдаланилган материалларнинг клиник характеристикаси**» деб номланган иккинчи бобида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази (РИОваРИИАТМ) (92 нафар бемор), шунингдек, 2012 йилдан 2017 йиллар оралиғида Ёнсей университети ва Тошкент тиббиёт

академияси ўртасида имзоланган меморандум асосида Ёнсей Университети (Жанубий Корея, Сеул) қошидаги Северанс касалхонасининг Радиология илмий маркази абдоминал радиология бўлимида стационар даволанишда бўлган (60 нафар бемор), панкреатодуоденал соха ҳавфли ўсма касаллиги билан хасталанган жами 152 нафар беморларнинг текшириш натижалари таҳлил қилинди. Беморларнинг ёши 19 ёшдан 79 ёшгача бўлиб, ўртача 49 ёшга тўғри келди. Аёллар – 55 (36,19%) нафарни, эркаклар 97 (63,81%)нафарни ташкил этди, уларнинг нисбати 1:1,76 (1-жадвалга қаранг) натижани кўрсатди.

1-жадвал

Беморларни жинс ва ёш бўйича тақсимланиши

| Ёш | Эркаклар | Аёллар | % |
|-------------------|-------------|-------------|-------------|
| 19-44 | 12 (7,89%) | 1 (0,66%) | 13 (8,55%) |
| 45-59 | 20 (13,16%) | 16 (10,53%) | 36 (23,69%) |
| 60-74 | 50 (32,89%) | 25 (16,45%) | 75 (49,34%) |
| 75 ва ундан юқори | 15 (9,87%) | 13 (8,55%) | 28 (18,42%) |
| Жами: | 97 (63,81%) | 55 (36,19%) | 152 (100%) |

ПСЎКга шубҳа бўлган 92 нафар беморда трансабдоминал УТТ ўтказилди, эндоскопик УТТ 34 нафар беморда ўтказилди, МСКТ 94 нафар беморда олиб борилди, жумладан 60 ҳолатда кўп фазали контраст усули билан ўтказилди. 55 нафар беморда МРТ бажарилди, улардан 34 нафарида умумий панкреатик оқим ва ўт чиқиш йўллари патологияларини ўрганиш учун текшириш МРХПГ тартибида ўтказилди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

ПДС ҳавфли ўсмасига шубҳа бўлган беморларда бажарилган нурли текшириш турлари (n=152)

| Текшириш усуллари | УТТ | Эндо УТТ | МСКТ | МСКТА | МРТ | МРТПГ | ПЭТ |
|-------------------|-------|----------|-------|-------|-------|-------|-------|
| Беморлар сони | 92 | 34 | 94 | 60 | 55 | 34 | 30 |
| % | 60,53 | 22,37 | 61,84 | 39,47 | 36,18 | 22,37 | 19,74 |

Касалликнинг клиник кўриниши механик сариқлик белгилари, ҳавфли ўсма билан захарланиш, оғриқ синдроми, холангит, диспепсия каби асосий ва бошқа шикоятлар билан намоён бўлди.

Шунингдек беморларнинг катта қисми кўнгилни айниши ва босиб бўлмайдиган қусишни таъкидладилар. Беморларнинг мутлоқ катта қисми меҳнат қобилиятини пасайишини қайд этдилар. Умумий ҳолатнинг оғирлиги шунингдек йўлдош патологиялар билан ҳам боғлиқ бўлди.

Касаллик босқичларида ташҳис қўйиш ўз ичига клиник-лаборатор, асбоб ускуналар ёрдамида, ноинвазив усуллар (УТТ, Эндо УТТ, МСКТА, МРТ ва ПЭТ/КТ), шунингдек инвазив усуллар (ЧЧХГ, ЭРПХГ, ташҳисий лапароскопия ва ингичка игнали биопсия) олган комплекс текшириш усуллари қўллаш йўли билан амалга оширилди.

Ташҳис қўйилгандан сўнг қўйидаги жаррохлик аралашувлари ўтказилди: Панкреатодуоденал резекция - 42 (27,63%) нафар беморда, холеистою-гастроэнтеро анастомозлар 14 (9,21%) нафар беморда биопсия билан бирга амалга оширилди, Тери-жигар орқали холнгиостомия қўйиш механик сариқлик яққол намоён бўлган 40 (26,32%) нафар беморлар ҳолатларида ўтказилди. Шу билан бирга лапоротомия билан жаррохлик амалиётини ўтказган барча беморларда ҳавfli ўсманинг гистологик типини аниқлаш учун жаррохлик амалиёти намуналарида морфологик текширишлар ўтказилди.

American Joint Committee of Cancer (AJCC, 2017 г.) халқаро таснифининг саккизинчи таҳририга мос ҳолда, ҳажмли намуналарни жойлашишини аниқлашга имкон берувчи маълумотлар олинди. Тадқиқот натижалари ҳавfli ўсмани қайси морфологик гуруҳга кириши ва жойлашган ўрнини аниқлашга имкон берди (меъда ости беzi, ўн икки бармоқли ичак, умумий ўт йўлининг терминал қисми, Фатеров сўргичи (катта дуоденал сўргичи)).

134 нафар беморда (88,15%) аксарият ҳосилалар ПЖЖ бошчасининг проекциясида жойлашди ва морфологик жиҳатдан оқим аденакарциномаси кўринишида ташкил топди. Улардан юқори дифференцияланган аденокарцинома 59 (44,02%) нафар беморда, ўртача дифференцияланган аденокарцинома 33 (24,63%) нафар беморда, паст дифференцияланган аденокарцинома 42 (31,34%) беморда аниқланди.

Маълумотларни унификациялаш учун қўйидаги кўрсаткичлар аниқланди: ҳавfli ўсмани жойлашган ўрни, унинг ўлчамлари, шакли, контурлари, органдан ташқарида тарқалиши, яқин турган томирларга нисбатан жойлашиши, билиар ёки панкреатик гипертензия белгиларни мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги. Ушбу маълумотлар асосида касалликнинг TNM босқичи таснифланди.

Тадқиқот усуллари.

Панкреатодуоденал соҳа ҳавfli ўсмаларини ташхислаш ва босқичлаштириш учун клиник-лаборатор текшириш усуллари билан бир қаторда махсус асбоб ускуналар ёрдамида текшириш ва нур ташхиси усуллари ҳам фойдаланилди.

Текширишнинг нур ташхиси усуллари.

Трансабдоминал ультратовуш текшируви (УТТ) 92 нафар беморда Монохром «Mindray» (Хитой, 2012) ва «Logic-400» (GE, USA, 2006) аппаратларида реал вақт тартибида, касалхонагача бўлган босқичда ҳам, динамик вақт босқичида ҳам олиб борилди. Mindray DP-50 (сканирлаш режимида: В/2В/4В/М/В+М, тўқима гормоникаси, фазалаш, тўқима гормоникаси импульс инверсияси билан, трапециясимон тасвир) ва 2

датчикли ультратовуш аппарати GE LOGIQ-400 PRO, принтер «SONY» билан, (конвекс датчиклар C364, частоталарнинг кенглиги: 2.5-5.0 МГц, чизикли датчик 5.0-10.0 МГц, 39мм) бўлган қурилма қўлланилди.

Эндоскопик ультратовушли текшириш (ЭндоУТТ) Северанс касалхонасининг Радиология Илмий Маркази базасида ПДС ҳавфли ўсмасига шубҳа бўлган 34 нафар беморларда 1 мм дан кам бўлган хажмларни текшириш имкониятини берувчи, визуализация чуқурлиги 25 мм гача қамрайдиган, датчик частотаси 15 МГц га тенг бўлган «Pentax» (Hitachi) аппаратида ўтказилди.

Мультиспирал компьютер томоангиография (МСКТ). Техник параметрлари: гентри апертураси – 70 см, 1 марта 360⁰ га айланганда кесмалар сони 128, кесманинг қалинлиги 1 мм га тенг бўлган «Siemens Somatom Definition» (Германия), аппаратида Северанс касалхонасининг Радиология Илмий Марказининг базасида 60 нафар беморда ўтказилди. Бемор, контраст моддаларни қўллаш билан, оч коринга, беморнинг горизонтал ётган ҳолатида текширилди. Ҳар бир текширишда контраст модда сифатида 50-100 мл, Omnipaquetm 300 mgI/ml, моддаси қўлланилди, контраст моддани юбориш тезлиги 3-5 мл/с ни ташкил этди.

Мазкур усул хажмли хосила ўлчамларини, меъда ости беши ва жигарни денситометрик зичлигини, қўшни органлар ва томирлар билан алоқасини ва яқинида ётувчи томир ва тўқималарга бўлган ивазия даражасини баҳолашга имкон беради.

ПДСнинг ангиоархитектониқаси, целиак-мезентериал ҳавза, у ёки бу сохани қон билан таъминловчи абберант томирларнинг мавжудлиги синчковлик билан ўрганилди. Хажмли хосилани артериал, веноз ва капилляр фазаларига ҳавфли ўсмани контрастланши билан томирлар тузилмасига ивазия даражаси синчиклаб ўрганилди.

Бундан ташқари, ПДС ҳавфли ўсмасига шубҳа бўлган 34 нафар беморда контрастсиз МСКТ бажарилди.

Магнит-резонанс панкреатохолангиография (МРПХГ), 55 нафар беморда бажарилди. Тадқиқотлар- магнит майдонининг кучланганлиги – 1.5 Тл, магнит туннелининг диаметри -70 см, градиент тизими XQ градиентлари билан (45 мТл/м, ҳар бир ўқ бўйича ўсиб бориш тезлиги 200 Тл/м/с) техник тавсифга эга бўлган «Siemens» MAGNETOM® Skyra аппаратида ўтказилди.

МРПХГ бемор горизонтал ётган ҳолатда, қўйидаги импульслар кетма кетлигида бажарилди: T-2 coronar (T-2 fat sat) ва dual echo (T-1 in fase out fase 3D-MRCP реконструкциядан кейинги аксиал проекцияда).

Бунда панкреатодуоденал зона, қорин орти бўшлиғи, билиар оқимларнинг келгусидаги 3D-реконструкцияси синчковлик билан текширилди, блок даражаси, уларни магистрал ўт йўллари билан алоқаси ўрганилди.

Позитрон-эмиссион томография (ПЭТ/КТ). Текширишлар Жанубий Корея республиқаси, Сеул шаҳри, Ёнсей университети қошидаги Северанс касалхонасида 30 нафар беморда бажарилди.

ПЭТ/КТ бемор танаси горизонтал ҳолатда бўлганда «GE PET/CT» (2013) аппаратида ўтказилди. Бунинг учун беморга текшириш ўтказилишдан олдин томир ичига 320 Мбк дозада FDG-18 F (fluoro D-Glucosa) моддаси юборилди. Қандли диабет мавжуд бўлган ҳолларда тана оғирлиги, семизлик даражаси ва қандли диабетнинг босқичига боғлиқ ҳолда глюкозани юбориш индивидуал ҳисобланди.

Олинган тасвирларни қайта ишлаш DICOM 3.0 стандартида тасвирларни қайта ишлаш учун мультимодал визуализацияланувчи ишчи станция MxView (Silicon Graphics) да амалга оширилди, бу олинган тасвирларни юқори сифатини, математик қайта ишлашнинг катта имкониятларини ва бошқа DICOM мос бўлган ташхислаш тизимлари билан ўзаро таъсирини таъминлашга имкон берди.

Усул хажмли ҳосила ўлчамлари, меъда ости беши ва жигарнинг денситометрик зичлигини, ҳавfli ўсма фаоллигини баҳолашга имкон беради.

ПЭТ/КТ нинг руҳсат этилиш имкониятлари тасвирдаги шовқин даражасини мақбуллиги ва фазодаги барча йўналишлар бўйича 1 мм га тенг бўлган ички руҳсат этилиш тизимнинг юқори ўтказувчанлик хусусияти билан мувозанатлаштирилди, бунда олинган тасвирларнинг фазодаги фарқлаш имконияти барча йўналишлар бўйича дискретизация масофаси 0,5-1 мм билан 0,2-0,6 мм ни ташкил этди, бу уларни уч ўлчамли визуализацияни ўтказишга яроқли қилди.

Тадқиқотнинг махсус усуллари.

Ташхисий лапароскопия (ТЛ). Баҳсли вазиятларда ташхисни излаш ТЛ билан тўлдирилади, у 12 ҳолатда (7,89%) бажарилди.

Эндоскопик гастродуоденофиброскопия (ЭГДФС) «Olympus» (Япония) ва «Olympus» (Япония) дуоденоскоп аппаратлари ёрдамида амалга оширилди. ЭГДФС Р ОваР ИИАТМ базасида 92 нафар беморда ўтказилди.

Рентген-контраст усуллар ёрдамида ўт йўллари и ошқозон ости беши йўллари текшириш.

Мазкур ишда Siemens (Германия) фирмасининг «Somatom» рентгентелевизион тизимлари билан жиҳозланган, рентген-жаррохлик амалиёти ўтказиладиган тери - жигар орқали холангиография, эндоскопик ретроград панкреатохолангиография қўлланилди.

Шундай қилиб, олиб борилган ташхислаш, ўз ичига лаборатор маълумотларини, ҳавfli ўсма маркёрлари даражасини аниқлашни, УТТ, МРХПГ, МСКТА, ПЭТ/КТ ларни олган комплекс текширишлар асосида ташхис қўйишга имкон берди.

Усулларнинг ташхисий аҳамиятини баҳолаш қўйидагиларни аниқлаш йўли билан белгиланди: сезувчанлик, махсуслик ва умумий аниқлик. Қўйидаги формулаларланилди:

Сезувчанлик (Se)= $\frac{ХИ}{ХИ+ЁН}$; Махсуслик (Sp): $\frac{ХС}{ХС+ЁН}$;


Умумий аниқлик (Acc): $\frac{ХИ+ХС}{ХИ+ХС+ЁН+ЁН}$

Бу ерда: ХН – Ҳақиқий ижобий натижа, ЁС – ёлғон салбий натижа; ХС – ҳақиқий салбий натижа; ЁИ – ёлғон ижобий натижа.


Диссертациянинг «Панкреатодуоденал соҳа ҳавфли ўсмаларини ультратовуш усуллари ёрдамида текшириш» деб номланган учинчи бобида беморларда ташҳис қўйиш учун трансабдоминал УТТ ва Эндо УТТ текширишлари натижалари ёритилган.

Меъда ости беги ҳавфли ўсмасида трансабдоминал ультратовушли текширишлар. УТ-текширишлар 92 нафар беморда ўтказилди, улардан 34 (36,96%) - аёллар, 58 (63,04%) - эркеклар. 82 ҳолатда МОБ бошчаси проекциясида ҳосилалар аниқланди, улардан 53 нафар беморда парапанкреатик клечаткага тарқалиши аниқланди. 10 ҳолатда қорин бўшлиғида яққол намоён бўлган превматоз сабабли ҳосилани аниқ жойлашган ўрни ва унинг тарқалиш ҳажмини аниқлашни имкони бўлмади.

Санографик тасвирларда кўринган барча кузатувларда ҳосилалар ноаниқ контурдаги пасайган эхогенликка ва 8 ҳолатда бир хил тузилмага (9,8%) ёки 84 ҳолатда (90,2%) бир хил бўлмаган тузилмага эга бўлди. 65 ҳолатда механик сариқлик ва ўт пуфагида ўтнинг димланиши ташҳисланди. Ҳосилаларнинг ўлчамлари 2 дан 5,5 см гача ўзгариб турди, 69 ҳолатда ҳосилалар нотўғри шаклда, нотекис ва аниқ контурлар билан (1-расмга қаранг), 13 ҳолатда эса нисбатан думалок шаклда (2-расмга қаранг) бўлди.



1-расм. УТ-К беморда олинган тасвирлар., 63 ёш. МБ бошчасида нотекис шаклли ҳосила, гипозхоген тузилмалар кўринади.



2-расм. А бемордан олинган тасвирлар., 55 ёш. МБ бошчасида думалок шаклдаги ҳавфли ўсманнинг гипозхоген тузилмалари кўринади.

Панкреатодуоденал зона ҳавфли ўсмаларининг сонографик белгилари турли туманлиги билан фарқланади. Меъда ости безининг ўлчамларини катталашини ва без паренхимаси тасвирини суркалиб кетиши аксарият ҳолатларда қайд этилди (61 кузатув), 21 ҳолатда без паренхимаси ўлчамлари катталашмаган ҳолда эхогенлигини ортиши қайд этилди.

Биопсия ва жаррохлик амалиёти маълумотлари киритилган, беморларни комплекс текшириш маълумотлари бўйича қўйилган ташҳис билан, якуний ташҳисни ўзаро қиёслашда, 54 (58,7%) ҳолатда меъда ости безининг ҳавфли ҳосилаларини ташҳислашдаги УТТ натижалари ҳақиқий ижобий (ҲИ), 19 (31,5%) ёлғон салбий (ЁС), 5 (5,4%) ёлғон ижобий (ЁИ) ва 4 (4,3%) ҳақиқий салбий (ҲС) бўлди. Олинган маълумотлар асосида ПДС ҳавфли ўсмаларида трансабдоминал эхографиянинг ташҳислаш самарадорлик кўрсаткичлари ҳисобланди: сезувчанлик 74.0 %, махсуслик - 44.4 %, аниқлик – 70.4 % ни ташкил этди. ПСЎК локал-минтақавий (маҳаллий) тарқалишини баҳолашда

трансабдоминал УТТнинг самарадорлиги 42 нафар бемордаги патоморфология ва жаррохлик амалиёти маълумотлари асосида баҳоланди.

Кўришиб турибдики, 42 ҳолатдан 24 ҳолатда олинган ультратовушли текширишлар ҳавфли ўсмани маҳаллий тарқалишини тўғри аниқлаган ва ПДС ҳавфли ўсмасини босқичлаштиришда Т усулининг ташҳисий қиймати 57,1%ни ташкил этди. 10 ҳолатда (23,8%) УТТ ҳавфли ўсмани Т босқичини баҳолай олмади, 8 ҳолатда эса (19,0%) керагидан ортиқча баҳолади. Бундан келиб чиқадики, УТТ усулини аниқлик кўрсаткичлари паст бўлган ҳолатларда ҳавфли ўсма жараёнлари босқичини эрта аниқлаш ва ПСЎК резектабеллигини аниқлаш мақсадида текширишнинг қўшимча, юқори технологиядаги усуллари - МСКТА, МРТХПГ ва ПЭТ/КТ дан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Меъда ости беzi ҳавфли ўсмаларида эндоскопик ультратовушли текширишлар. Эндоскопик ультратовушли текширишлар (ЭндоУТТ) ПДС ҳавфли ўсмасига шубҳа бўлган 34 нафар беморда ўтказилди, улар якуний ташҳис бўйича қуйидаги тартибда тақсимланди: 19 меъда ости беzi бош қисми аденокарциномаси, ўн икки бармоқ ичак деворида хосилалари 3, катта дуоденал сўрғич аденокарциномаси 2, солид псевдопапиляр хосила (СППО) 5, нейроэндокрин хосила (НЭО) 3, 1 шваннома, 1 меъда ости беzi бош қисми кистаси. Меъда ости беzi бош қисми аденокарциномаси интакт паренхимага нисбатан нотекис контурли гипоэхоген хосиладир. Визуализацияланувчи хосилаларнинг нотекислиги текширувларимизда устун бўлди, баъзи жойларда улар аниқ кўринмади. ПДС аденокарциномаси билан оғриган 21 нафар бемордан 9 нафарида ҳавфли ўсманинг эхотузилмаси бир хилда, 12 нафарида эса турлича бўлди. Хосилаларда панкреатик тасвир кузатилмади. Допплер тартибида барча хосилалар ўртача васкуляризацияланган бўлди, тузилмаларида эса яқка холдаги интранодуляр томирлар аниқланди. 1 ҳолатда хосила аниқ контурли, диаметри 2,1 см бўлган думалоқ шаклга эга бўлиб, бу кўпроқ шваннома сифатида гистологик тасдиғини топган, ҳавфсиз табиатли ўсмага хос бўлади.

Эндо УТТда аниқланган киста меъда ости беzi бошчаси проекциясида аниқ контурли гипоэхоген бўлган, текис ингичка деворли хосилалар кўринишида визуализацияланди. 3 кузатишларда (гистологик ҳавфли ўсма компонентлари аниқланди) гиперэхоген соялар хисобига СППОда ногомоген тузилмалар кузатилди, 2 нафар беморда суюқликлар билан бирга каттик компонентлар аниқланди. Хосилаларда панкреатик тасвир кузатилмади. Ҳавфли ўсмани Фатеров сўрғичида жойлашганда эндо УТТ Фатеров сўрғичи контурларида нотекислик ва катталашишни ва ҳавфли ўсмани ўн икки бармоқ ичак деворига ўсиб киришини ва холадехни ҳамда умумий панкреатик йўлини кенгайтишини кўрсатди.

Ўн икки бармоқ ичаклари деворидаги хосилаларни эндо УТТда текшириш 3 ҳолатда меъда ости беzi бошчасининг инфилтрацияси ва ёриқларин қисқариши билан ўн икки бармоқ ичаклар деворининг нотекислиги ва турли дўмбоқчаларга тўлиб кетганлигини, бир ҳолатда эса

ҳавфли ўсма ичаклар деворини айлана инфильтрацияга учратганлигини кўрсатди. Панкреатодуоденал соҳа ўсма касалликларнинг диагностикасида эндо УТТ нинг сезувчанлиги 89%, спецификлиги 71 % ни ва ташҳиснинг аниқлиги 85% ни ташкил этди. Шундай қилиб, эндоУТТ ПДС ҳавфли ўсмаларини турли шаклларида юқори сезувчанлик, махсуслик ва ташҳиснинг аниқлигини кўрсатди ва ҳавфли ўсмани ўн икки бармоқли ичакда ва катта дуоденал сўрғичда жойлашганда уни ўсиб кириш чуқурлигини аниқлашга имкон берди. Биоптатни олиш имконияти турли генездаги ҳавфли ўсмалар типини гистологик ўрганишга имкон берди.

Диссертациянинг «Панкреатодуоденал соҳа ҳавфли ўсмаларини радиологик усуллар ёрдамида текшириш» деб номланган тўртинчи бобида беморларда ташҳис қўйиш учун МСКТА, МРТ ва ПЭТ/КТ текширишлари натижалари ёритилган.

Меъда ости беги ҳавфли ўсмаларида мультиспирал компьютер томографияси. МСКТ текширишлар 94 нафар беморда ўтказилди, улардан 60 нафарида кўп фазали контрастлаш билан олиб борилди. Морфологик текшириш маълумотларига кўра, 80 нафар беморда ПДС аденокарциномаси ташҳисланди, 14 кузатишларда эса бошқа турдаги хосилалар мавжудлиги аниқланди: СППО (5 ҳолатда), МОББ га метастазлар (2 ҳолатда), серозли кистааденомалар (2 ҳолатда) ва и нейроэндокрин ҳавфли ўсмалар (3 ҳолатда), псевдокисталар (1 ҳолатда) ва шваннома (1 ҳолатда). МСКТда баён этилган баённомаларга асосланиб, ПДС ҳавфли ўсмаларида компьютер-томографик семиотика таҳлили ўтказилди.

Контрастсиз МСКТда аденокарциномалар изоденс бўлди ва без паренхимаси билан қўшилиб кетди. 49 та ҳолатда тадқиқотнинг артериал ва веноз фазасида контраст модда юборилгандан сўнг гиподенсли, гиповаскуляр ҳавфли ўсмалар аниқланди. Қолган кузатишларда ҳавфли ўсмалар паренхимага нисбатан изоденс бўлди (3-расмга қаранг).



А



Б

3-расм. Бемор К., 59 ёш. Аксиал кесмалардаги МСКТА тадқиқотларда меъда ости беги бошчасининг аденокарциномаси артериал (А) ва веноз фазлар (Б). А. Артериал фаза контрастли кучайиш – меъда ости беги бошчасининг гиподенсли ҳавфли ўсмаси. Б. Веноз фаза – меъда ости беги бошчаси ҳавфли ўсмаси гиподенс ҳолатда қолган.

4-жадвалда меъда ости беши интакт тўқимаси Хаунсфильд бирлигидаги аттенуация ўртача кўрсаткичлари ва текширишнинг барча фазаларидаги аденокарциномалар бўйича, шунингдек ҳавfli ўсма зичлигини без паренхимасига нисбатининг жамланган маълумотлари келтирилган.

4-жадвал

Болюсли контраст кучайтириш билан компьютер томография маълумотлари бўйича меъда ости беши паренхимаси ва аденокарциномалар КТ зичлигининг (Н.Бирлиги) ўртача катталиклари (M±m)

| КТ-Текшириш фазалари | Натив | Артериал | Веноз | Кечиктирилган |
|--|------------|---------------------------|-------------------------|-----------------------------|
| Хосила (Н. бирлиги) | 34,3±2,8 | 60,5 ± 4,7 ^{^^} | 66,5±5,3 ^{^^^} | 62,8±4,8 ^{^^^} |
| Меъда ости беши паренхимаси (Н. бирлиги) | 36,6 ± 3,2 | 81,0 ± 6,1 ^{^^^} | 89,3±7,2 ^{^^^} | 69,2±5,6 ^{^^^°} |
| Хосила/паренхима Н. бирлигининг нисбати | 0,94±0,05 | 0,75±0,04 ^{^^} | 0,74±0,05 [^] | 0,91±0,06 ^{&°} |

Изоҳ: * -хосил бўлиш кўрсаткичлари билан таққослаш бўйича ишончли фарқлар (P<0,05); ^ - натив фаза кўрсаткичлари билан таққослаш бўйича ишончли фарқлар (P <0,05; P<0,01; P<0,001); & - артериал фаза кўрсаткичлари билан таққослаш бўйича ишончли фарқлар (P<0,05); ° - веноз фаза кўрсаткичлари билан таққослаш бўйича ишончли фарқлар (P<0,05).

Нейроэндокрин ҳавfli ўсмаларда (инсулингомаларда) натив фазада ҳавfli ўсма меъда ости беши паренхимасига изоденс бўлди, кальцинатлар фақат 1 кузатишда аниқланди. Нейроэндокрин ҳавfli ўсмаларда болюсли контраст кучайтиришни ўтказишдаги тадқиқотларнинг артериал фазасида контраст дори воситаси фаол тўпланди ва 2 кузатишда меъда ости беши паренхимасига нисбатан гиперденсли бўлди. Ҳавfli ўсманинг бир хилдаги тузилмаси 1 намунада қайд этилди.

МОБ СППО (5 ҳолатда) таъхислашда МСКТ кўрсатдики, натив фазада ҳавfli ўсманинг муҳим компоненти без паренхимаси зичлиги бўйича фарқ қилмади. 3 ҳавfli ўсмада фақат суяқлик қисм ажралиб турди, 2 кузатишда кальцинатлар аниқланди, улар контрастлашда янада аниқроқ дифференциация бўлди. Болюсли контраст кучайтириш ўтказилиши билан артериал фазадаги тадқиқотларда 3 нафар беморда ҳавfli ўсманинг муҳим компонентлари контраст препаратни, меъда ости беши паренхимасига нисбатан ўзида камроқ жадалликда тўплади (3.10. расмга қаранг), 1 ҳолатда ҳавfli ўсма изоденс бўлди, 1 ҳолатда эса гиперденс. Энг юқори даражада тўпланиш СППОли 5 нафар беморнинг бир нафарида қайд этилди. СППОли 3 нафар беморда веноз фаза изоденс бўлди, 1 гиперденс бўлди.

